

ЗИНАТУЛЛАЕВ Зиёдилла Иззатилла ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом тарихи ва манбаъшунослиги IRCICA
кафедраси катта ўқитувчиси, PhD
ziynatullayev90@mail.ru

IX-XII АСРЛАР МОВАРОУННАХР СУЛОЛАЛАРИНИНГ ИЛМ-ФАНГА ЭЪТИБОРИ

ВНИМАНИЕ, УДЕЛЕННОЕ НАУКЕ В IX-XII ВВ. ДИНАСТИЙ МАВАРАННАХРА

ATTENTION PAID TO SCIENCE IN THE 9TH-12TH CENTURIES OF THE MAWARANNAHR DYNASTS

Аннотация. Мақолада Марказий Осиёдаги Биринчи Ренессансининг юзага чиқишида минтақада ислом бошқарувининг қарор топиши оқибатида мусулмон сулолалари ҳукмдор, амалдор ва давлат хизматчиларининг илм-фан ва таълимга катта эътибор қаратганликлари асосий омиллардан бири бўлганлиги манбалар ва илмий адабиётлар асосида ёритилган.

Шунингдек, IX-XII асрларда давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда масжид, мадраса ва илмий марказлар шариатга мувофиқ савобни тўлиқ қилиши мақсадида фақатгина шахсий маблағлардан бунёд этилгани Иброҳим ибн Насрнинг Тамгач Бугроҳон мадрасаси, Шамс Мулкнинг Намозгоҳ масжиди, салжуқий Султон Санжар томонидан қурдирилган Қусамия мадрасаси мисолида исботланган.

Калит сўзлар: масжид, мадраса, илм-фан, вақф, ҳукмдор, амалдор, ҳомийлик, сомонийлар, Мовароуннаҳр, Хурасон

Аннотация. В статье, на основе источников и научной литературы, приводится информация об одном из основных факторов возникновения первого Возрождения в Центральной Азии было то, что правители, чиновники и государственные служащие мусульманских династий уделяли большое внимание науке и образованию в результате установления исламского правления в регионе.

Таким образом, на примерах строительства медресе Ибрахима ибн Насра Тамгача Буграхана, мечети Шамс Мулка и медресе Кусамия, построенного сельджуцким султаном Санджаром доказано, что IX-XII веках, исходя из интересов государства, мечети, медресе и научные центры

строились только на частные средства в целях благотворительности в соответствии с шариатом.

Ключевые слова: мечеть, медресе, наука, вақф, правитель, чиновник, покровительство, саманиды, Мавараннахр, Хурасан

Annotation. The article highlights on the basis of sources and scientific literature that, following the decision of Islamic rule in the region during the occurrence of the first Renaissance in Central Asia, Muslim dynasties, rulers, official and civil servants paid great attention to science and education.

Also, in the 9th-12th centuries, based on the interests of the state, mosques, madrassas and scientific centers were built only from private funds in order to complete the reward in accordance with the Sharia and proved by the example of Qusamiya madrassas built by Seljuk Sultan Sanjar.

Keywords: mosque, madrasa, science, waqf, ruler, official, patron, Samanids, Movarounnahr, Khurasan

Кириш

IX-XII асрлардаги Мусулмон Ренессансининг вужудга келиши ва ижобий жиҳатларини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормокда. Ушбу жараёнда исломнинг Марказий Осиёга ёйилиши ва маҳаллий бошқарув тизимининг ўзгариши муҳим роль ўйнаб, ҳукмдор ва амалдорлар тарафидан илм-фанга қаратилган юксак эътибор сабабидан амалга оширилгани ёрқин далилдир. Шу боис Марказий Осиёдаги Биринчи Ренессансга янгича бошқарув кўрсатган ижобий таъсирни асослаш ҳамда ҳозирги кунда илмий жамоатчиликка кенгроқ етказиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Асосий қисм

IX-XII асрларда Марказий Осиё ҳудудида юзага келган уйғониш нафақат минтақани дунёга танитди, шу билан бирга, башарият тамаддунига ўзининг бекиёс ҳиссасини қўшди. Бу улкан ютуқлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Ислом маърифати ва адолати асосига қурилган бошқарув тизими, илму маърифат ривожини жамият фаровонлигини таъминловчи муҳим омил сифатида қўрувчи одил ҳукмдорларнинг сиёсати ҳамда дини орқали илмни, илми орқали динини чуқур ўрганишга чанқоқ инсонлар жамоасининг вужудга келиши асосий сабаблардан бўлди.

Юқорида келтирилган омиллардан ташқари ўрта асрлар мусулмон дунёсида содир бўлган илм-фан ривожига бошқа сабаблар билан ҳам изоҳланади. Энг аввало, маҳаллий халқлар ақидасига айланган ислом динининг муқаддас китоби Қуръони каримнинг нозил этилган илк ояти “ўқи!” [Алақ сураси, 1-оят] деган даъват билан бошланиши, шунингдек, ҳадисларда ҳам илм олиш тарғиб этилгани боис даҳоларнинг етишиб чиқиш имконияти ҳам анчагина юқори эди.

Марказий Осиёга ислом дини кириб келиши билан диний таълим ва у билан боғлиқ илмлар ривожланди. Маънавият юксалди, илм-фанга эътибор ошди, мантикий билимларнинг ўрни кучайди. Диний ва дунёвий илмлар уйғун равишда тараққий этди. Мовароуннаҳр бўйлаб мусулмон дунёсида алоҳида нуфузга эга ўқув маскани сифатида катта обрў қозонган араб алифбосига асосланган мактаб ва мадрасалар пайдо бўла бошлади. Наршахийнинг ёзишича, 937 йилги ёнғиндан зарар кўрган Форжак Марказий Осиёдаги дастлабки мадрасалардан бўлган[3:161].

Илк ислом даврида илмий мунозаралар масжидларда кечган бўлса, кейинчалик улар мадрасаларда кечган ва таълим жараёнининг узвий қисмига айланган. К.Каттаевнинг фикрига кўра, Самарқанддаги Работи Ғозиён мадрасаси Форжакдан ҳам қадимийроқ бўлиб, унда Имом Мотуридий, ал-Ҳаким ас-Самарқандий каби олимлар Муҳаммад ибн Фазл Балхийдан (ваф. 931 й.) таҳсил олганлар. Аммо Абу Ҳафси Кабири Бухорий (768-832) ҳам Бухорода илмий ва диний билимлар ривожига катта ҳисса қўшган мадрасага асос солгани ҳақидаги хабарлар инобатга олинса, унинг мадрасаси кўрсатилган мадрасалардан ҳам қадимийроқ экани маълум бўлади. Мадрасалар ўқув дастурининг умумий жиҳатлари X–XII асрларда ишлаб чиқилиб, кейинчалик такомиллашиб борган[5:5].

Мадрасалар ўқув муассасаси сифатида диний соҳа ходимлари, давлат бошқарув органлари учун мутахассислар ҳамда олимлар етиштирадиган олий ўқув юртига айланиб борган. Улар асосан хон, амалдор, бадавлат кишилар ва зиёли шахсларнинг ташаббуси ва уларнинг маблағи ҳисобига қурилиб, кўпинча, уларнинг исми, баъзан мадраса жойлашган маҳалла, гузар номи билан аталган. Мадрасалар фақат шахсий мулк ҳисобидан қурилиши шарт

бўлиб, хон ва амирлар, бундай иншоотларнинг йирик амалдорлар номидан давлат мулки ҳисобига бунёд этилиши шариатга ҳилоф ҳисобланган[5:6].

Мусулмон Шарқи, хусусан, араб халифалиги ва унга бўйсунувчи мусулмон ўлкаларида аксарият ҳукмдорлар илм-фан ривожига ҳомийлик қилишган. Мадрасалар ва илмий-маърифий муассасалар учун катта маблағлар ажратилиб, уларнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш учун йирик ер-мулклар вақф қилиб берилган. Диний арбоблар сиёсий бошқарувга аралашмаган ҳолда жамият ривожига хизмат қилган. Бунинг учун нафақат нақлий илмлар, шу билан бир қаторда ақлий фанлар ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Ижтимоий адолат ва тенглик жамият аъзоларидан исталган кишига илм олиш орқали юқори мавқеъларга эриша олиш имконини берар эди. Илмий марказларда фаолият юритувчи олимларнинг қайси динга мансуб эканлиги ҳам аҳамиятсиз бўлган. “Байт ал-ҳикма”да мусулмонлар, насронийлар, яҳудийлар, собийлар ва бошқа олимлар ёнма-ён ишлагани бу ҳулосанинг исботларидандир. Бундай эркин бағрикенг муҳит илм-фан ривожига учун қулай шароитни юзага келтирган. Нақлий, яъни диний фанлар билан бир қаторда, ақлий (дунёвий) фанларнинг чуқур ўрганилиши, мазкур илмлар бир-бирини тўлдиргани жамиятнинг барча соҳаларда жадал ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Аббосийлар ҳукмронлигининг дастлабки уч асри мобайнида мусулмон жамияти ҳар жиҳатдан ривож топди. Эрон ва Эллинлар дунёсининг самарали таъсири остида адабиёт, фалсафа, диний илмлар ва табиий фанлар гуллаб-яшнади. Бу жиҳатдан олганда швейцариялик шарқшунос Адам Мец бу даврни “мусулмон уйғониши” деб атаганида мутлақо ҳақ эди. XI аср ва ундан кейинги даврдаги туркий сулолалар ҳам мусулмон маданиятининг фаол таъсири остида бўлиб қолавердилар. Мусулмон маданияти юксалиши жараёнига чинакам жиддий зарба мўғуллар томонидан берилди, улар узоқ муддат ислом билан ашаддий ёвлашдилар ва унга қарши турдилар[7:16].

VIII–IX асрлар давомида Мовароуннаҳр ва Хоразмда ислом асосий диний ақидага айланди. Бу даврда кўплаб масжид ва мадрасалар

қурилди, диний уламолар кўпайди. Шаҳар аҳолисининг таъсири билан кўчманчи аҳолида ҳам илм-фанга қизиқиш иштиёқи туғилди; юқори табақали оилаларда ўғилларини ўқитиш, саводли қилиш туйғуси кучайиб, ёшлар ислом руҳида тарбияланди. Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари Марказий Осиёда ислом динининг йирик марказларига айланди[15:272]. Бу, ўз навбатида, исломнинг маҳаллий бошқарув тизимидаги ўрнини мунтазам кучайтириб борди. Янги диннинг илму маърифатга тарғиб этиш фазилати ислом тафаккури шароитига мослашган бошқарув амалиётида ҳам ўз аксини топди. Бу ҳол Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг IX–XII асрлардаги фаолиятида ўзини яққол намоён этди. Эллинизм даври якунида фан ва маданиятнинг маркази Мисрнинг Искандария шаҳри деб ҳисобланган бўлса, мусулмон маданиятининг “олтин даври” бўлган IX–XII асрларда фан ва маданият ривожини Марказий Осиё хусусан, Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудларига кўчди. Мазкур даврда Марказий Осиёдан Муҳаммад Хоразмий (783-850), Аҳмад Фарғоний (798-865), Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810-870), Муҳаммад Термизий (824-892), Абу Наср Форобий (873-950), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Ибн Сино (980-1037), Маҳмуд Замахшарий (1075-1114) каби йирик алломалар етишиб чиқди.

Мазкур алломаларнинг кўпчилиги, ўз даври иқтисодий, сиёсий, илмий шароитларидан келиб чиққан ҳолда, халифаликнинг йирик шаҳарларида яшаб, ижод этганининг асосий сабабларидан бири ҳукмдорларнинг уларга бўлган эътибори натижасидир. Марказий Осиё ҳам бундан мустасно бўлмасдан, унда шаклланган умумий муҳит илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган олимларнинг етишиб чиқишини таъминлаган. Бунга халифалик таркибида бўлган ушбу ўлкадаги ишлаб чиқарувчи кучлар, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тараққиёт ва маданият арабларникига қараганда анча юқори эди[6:400]. Мусо Хоразмий “ал-Жабр ва-л-мақобала” асарининг ёзилиши сабабини изохлаб, “мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи “ал-Жабр вал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”ни таълиф қилдим, чунки у мерос тақсимлашда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда, адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда,

шунингдек, ер ўлчашда, каналлар ўтказишда, геометрияда ва бошқа шунга ўхшаш турли ишларда кишилар учун зарурдир” [9:19] деб ёзгани ҳам шундан далолат беради.

Бу даврда яшаган марказий осийлик турклар кўплаб ҳукмдорлар саройида муҳим лавозимларда хизмат қилиб, ўзларининг бошқарув маҳоратини кўрсата олишган. Улардаги бу қобилият Бағдоддаги Аббосийлар, Миср ва Суриядаги Тулунийлар ва Ихшидлар, Бухородаги Сомонийлар давлат бошқарув тизимида ўзини намоён этгани ҳақидаги маълумотлар ишончли манбаларда ўз аксини топган. Келиб чиқиши Марказий Осиёдан бўлган туркий элементларнинг бошқарувдаги иштироки нафақат Сомонийлар даври ва давлати, балки мусулмон дунёсининг бошқа ўлкаларидаги юксалишларга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган.

Сомонийлар сулоласининг равнаки маҳсулларида бири Бухоронинг аввал араб тилида, аста-секин форс тилида фаолият олиб борган оламшумул аҳамиятли илмий марказига айланганидир. Босворт таъкидлаганидек бу даврда Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидек буюк асарлар ёзилди[7:80].

Сомонийлар давлати ҳудудининг энг кенгайган даври Исмоил Сомоний ҳукронлигига тўғри келса, Наср II ибн Аҳмад (914-943 йй.) даври мамлакат энг гуллаб-яшнаган палла бўлди. Бунда сомоний амирлари ва олий амалдорларнинг илм-фан ва бадиий адабиётга ҳомийлиги муҳим рол ўйнаган. Рудакий Наср II саройида ижод қилган. Мовароуннаҳрлик бир неча олимлар гуруҳи томонидан Қуръони қарим тафсир-таржимаси амалга оширилган[1:24]. Табарийнинг машҳур асари “Тарихи ар-русул ва-л-мулк ва-л-хулафо”нинг амир Абдумалик I (954-961) ва Мансур I (961-976) нинг вазири Абу Али Муҳаммад Балъамий томонидан 974 йили форс тилига таржима қилинган. Сомонийлар даврида ҳукмдорлар тарафидан илм-фанга алоҳида эътибор қаратилганига Абу Али ибн Синонинг таржимаи ҳоли ёрқин мисолларда биридир. Ибн Сино 997 йил 17 ёшида амир Нух II ибн Мансур (976-997) ни оғир дарддан халос қилгани учун сомонийлар кутубхонасида илм билан шуғулланган. Сомонийлар кутубхонаси ўша даврда Ўрта ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналардан саналган. Ушбу кутубхонадан Ибн Сино то Хоразмга келгунга қадар қарийб 10 йил фойдаланган[6:47].

Тарих тақозосига кўра йўқолиб кетган мазкур улкан кутубхона ҳақидаги бигача етиб келган маълумотлар манбаи Ибн Синонинг асарлари экани ҳам диққатга сазовор фактдир. Жумладан, у ёзади: “Бир куни шоҳдан кутубхонасига киришга ва у ердаги тибга оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сўрадим. Шоҳ менга рухсат берди. Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари турар, китоблар эса устмат тахлаб қўйилган эди. Хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари, бошқасида фикҳга оид асарлар турарди. Шу тартибда ҳар бир хонада маълум бир фанга оид китоблар тўпланган эди. Кейин биздан олдин ўтган олимлар китоблари рўйхатини ўқиб чиқдим ва ундан кераклиларини танладим. У ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик ҳатто уларнинг номларини ҳам эшитмаган бўлса керак. Ўзим ҳам уларни бундан аввал кўрмаган эдим, бундан кейин ҳам учратмадим. Ўша китобларни ўқиб, улардан баҳраманд бўлдим. Шу билан ҳар бир муаллифнинг илмдаги даражасини билиб олдим” [2:11]. Бу каби маълумотлардан Сомонийлар даврида илм-фанга ҳукмдорлар тарафидан юксак эътибор қаратилганлиги англашилади.

Қорахонийлар даври туркий-ислом маданияти, санъати, адабиёти ва маънавияти тарихида юксалиш даври бўлди. Исломий турк санъатининг илк меъморий обидалари, ислом давридаги туркий адабиётининг илк улуғ асарлари Қорахонийлар даврида ёзилди. Булар қаторига деярли бир пайтда ёзилган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик”и, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луготи-т-турк” асарини туркий ислом даври адабиётининг нодир асарлари сифатида қўшиш мумкин. Хожа Аҳмад Яссавий ҳам Қорахонийлар даврида яшаб ижод этди. Кейинчалик “Ҳибату-л-ҳақоқий”, “Туркий тафсир” каби асарлар ёзилди. Қуръони карим маъноларининг туркий таржимаси ҳам илк бор Қорахонийлар даврида амалга оширилди [14:138].

Қорахоний ҳукмдорлардан Иброҳим ибн Наср (1040–1070) 1066 йили Самарқанддаги бир шифохона ихтиёрига ўзига қарашли икки қарвонсаройдан келадиган даромадни, шунингдек, даврида Самарқандда бунёд этилган мадраса мажмуини таъмирлаш учун уч меҳмонхона, бир қарвонсарой, бир эркалар

ҳамоми, сув айирғич, бир қанча экинзор ва узумзорлардан келадиган даромадни вақф қилиб берган [4:111]. IX–XII асрларда Марказий Осиёда ислом анъаналарига асосланган бошқарув тизими таъсирида давлат тарафидан вақф мулкига ажратилган ерларда масжид, мадраса, шифохона, кутубхона ва илмий марказлар савоб мақсадида қурилгани боис шариат талабидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий ҳукмдор, амалдор ва давлат хизматчиларининг фақатгина шахсий маблағлари ҳисобидангина барпо этилганлиги ва бу каби ишларга давлат хазинасидан пул ажратилмаганлигига асосланган.

Хоразмшоҳлар ака-ука Али ибн Маъмун (997—1009) ва Маъмун ибн Маъмун (1009—1017) илм-фанга эътиборли ҳукмдорлар бўлиб, олимларга илмий ижод учун қулай шароит яратиб берган. Шу боис, бу даврда Хоразмнинг пойтахти Гурганж (Урганч)да замонасининг кўпгина таникли олимлари тўпланган. Йирик математик ва астроном Абу Наср ибн Ироқ (1034 йили вафот этган), атоқли табиб ва файласуфлар Абу Саҳл Масиҳий (1010 йили вафот этган), Абу-л-Хайр Хаммор (942—1030) ва буюк олим Абу Райҳон Беруний шулар жумласидандир.

Абу Райҳон Беруний Хоразмнинг янги ҳукмдори Абул Аббос Маъмун II ибн Маъмун томонидан мамлакатнинг янги пойтахти Урганчга чақиртирилади. Хоразмшоҳ томонидан жуда катта иззат-икром билан қабул қилинган Беруний Урганчда Маъмуннинг бевосита раҳнамолигида таъсис этилган илмий марказда фаолият кўрсатади [10:48]. Ана шу илмий даврага 1005 йили Ибн Сино ҳам келиб қўшилади. У Хоразмда асосан математика ва астрономия билан шуғулланади. Бу соҳалардаги билимларининг чуқурлашиб, илмий дунёқарашининг шаклланишида Ибн Ироқ ва Беруний билан бўлган илмий мулоқотлар катта аҳамият касб этди.

Ёкут Ҳамавий эса «мен жаҳоннинг бирор жойида Хоразмнинг пойтахти Гурганжга ўхшаган улуғвор, бениҳоя бой ва гўзал, аҳолиси билимдон шаҳарни кўрмаганман», -деб таъриф берган.

Ибн Сино Хоразм пойтахти Урганчга келганида у ерда илмпарвар инсон Абу-л-Хусайн ас-Саҳлий вазир эканлигини ёзади [2:12]. Бундан келиб чиқадики, ҳукмдорлар саройида юқори

лавозимларга тайинланган амалдорларнинг аксарияти мадрасаларда узоқ йиллик таълим олган фақиҳлардан иборат бўлган, сўнг лавозимдан кетгач, улар мадрасаларда мударрислик қилишган. Аркон давлат учун хизмат қилган собиқ амалдорлар толиби илмларни ҳам давлат тараққиёти учун юқори юқори малакада тайёрлашга ҳаракат қилганлар. Хукмдорлар ва амалдорлар тарафидан илм-фанга юксак эътибор кўрсатилгани ва моддий тарафдан ҳомийлик қилингани Марказий Осиёдаги Биринчи Ренессанснинг юзага чиқишида ижобий рол ўйнади.

Мусулмон сулолалари орасида нафақат ўзининг адолатли сиёсати ва бошқарув тизими билан, шунингдек, илму-маърифатга қаратилган юксак эътибори билан ажралиб турувчи Салжукийлар даврида умуммаданий юксалишда мисли кўрилмаган натижаларга эришилди. Узоқ йиллар вазирлик лавозимида фаолият юритган Низомулмулкнинг оқилона ва адолатли давлат бошқаруви туфайли Маликшоҳнинг номи тарихда қолди. У вазирлик бўлган даврда Бағдод, Басра ва Исфаҳонда “Низомия” номидаги мадрасалар бино қилинди[12:7].

Шарқдаги энг йирик расадхоналардан бири бўлган Исфаҳон расадхонасини 1076 йилда Умар Хайём (1040-1123)нинг илтимосига кўра Маликшоҳ қурдиради. Маликшоҳ Умар Хайёмга янги календар тузишни топширади. Умар Хайём ўша даврда қўлланган Юлиан календарининг хатоси 128 йилда бир кунга тенг эканлиги ва уни такрорламаслик учун янги комбинацияда тузатишни таклиф этади. Хайём тузган календарнинг йил узунлиги 365 сутка, 5 соат 49 минут 5,5 секундга тенг эди. Бугун унинг календаридagi хатолик аниқланган бўлиб, у 19,5 секундни ташкил этади. Бу рақам календардаги хатолик 4500 йилдагина бир суткани ташкил этишини англатади. Хайём календари Маликшоҳ томонидан 1079 йилда амалга киритилган бўлиб, Эронда XIX асрнинг ўрталаригача қўлланиб келинган. Бу йил ҳисоби Умар Хайём календари дейилиши билан бир қаторда Маликшоҳ шарафига “Жалолий календари” деб ҳам юритилган[13:12].

Маликшоҳ салжукийлар империяси пойтахти бўлган Марв шаҳрида катта расадхона қурдиради. Унинг саройида бой илмий-маданий муҳит шаклланади. Бўлғуси

буюк олим Муҳаммад Ғаззолий (1058-1111), арабшунос олимлардан Муизий, Тантароний, Туғрой кабилар Маликшоҳ саройи билан боғланган эдилар. Муҳаммад Ғаззолий 1067 йили Бағдодда Низомулмулк томонидан қурдирилган “Низомия” мадрасасида дарс берган[12:7].

Хоразмшоҳлар номи билан машҳур бўлган Ануштегинлар сулоласи даврида ҳам хукмдорлар тарафидан илм-фанга катта эътибор билан қаралган. Ёзма манбаларда Ануштегинлар даврида Хоразмда 12 мингдан зиёд масжид, улар қошида шунча мактаб, 4440 та мадраса бўлгани қайд этилади. Фақат Гурганжда мадрасалар сони 700 га яқин бўлган[8:74]. Хоразмшоҳ ануштегинийлар даврида мадрасаларнинг имомлари ва мударрислари султон ёки унинг ноиби томонидан тайинланган. Масалан, хоразмшоҳ Эл-Арслон 1162 йилда Туркистон ҳокони Абулмузаффар Тамғоч Бугрохон зиммасига бошқа ишлар билан бирга, мадрасаларга муносиб мударрислар тайинлаш вазифасини ҳам юклаган. Баъзи мадрасаларга бутун-бутун қишлоқлар вақф қилиб берилган. Мадраса мударрислиги обрўли мансаб бўлиб, баъзан истеъфога чиққан юқори мартабали амалдорлар ҳам мударрис бўлиб ишлар эдилар. Султон Алоуддин Муҳаммад давридаги хоразмшоҳлар давлатининг атоқли арбобларидан Шаҳобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Хевакий машҳур фақиҳ, шофия мазҳабининг муфтийси эди[8:74].

Ануштегин Хоразмшоҳлардан Алоуддин Отсиз (1128-1156), худди отаси каби, таҳсил ва ирфон соҳиби бўлиб, дин, илм-фани ҳимоя қилган. Жувайний ва Авфийга кўра, у форс тилида шеър айтар, рубоийлар ёзар, гўзал фазилати билан машҳур бўлган таниқли эди[11:48].

Хоразмшоҳ Жалолиддин таниқли маърифатпарвар олим Муқаррабиддин Муҳаммад ибн Иброҳим Паҳлавон Хоразмийга Исфаҳонда отаси султон Алоуддин Муҳаммад хотираси учун катта мадраса қуришни топширган ва бу ишга 30 минг динор маблағ ажратган. Бу маблағдан ташқари яна Ироқдан келадиган хирожлардан бир қисми “мадраса қурилишини яқунлаш учун қўшимча маблағлар”сифатида берилган.

Хоразмшоҳлар даврида Бухоронинг Деҳкон туманида Хизонатул-кутуб Дорул-фуқаро –

халқ кутубхонаси очилган бўлиб, унда нодир кўлёмалар сақланган. Такашнинг шоҳлик даврида Гурганчада катта мадраса ва кутубхона курилади. Мазкур кутубхона минтақадаги энг йирик кутубхоналардан бўлиб, унда кўплаб нодир қимматли китоблар сақланади. Машхур уламо Фахриддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар Розий (1210-йилда вафот этган) бу кутубхона фондидан фойдаланиб, Хоразм шоҳи Такаш учун ўзининг «Илмлар мажмуаси» номли қомусий асарини яратади. Бу асарда 57 илмий йўналиш бўйича маълумотлар йиғилган. 1980 йилда Кўхна Урганчада ўтказилган археологик қазилар пайтида мазкур мадраса ва кутубхонанинг пойдевори топилган[8:74].

VIII-XII асрларда давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда масжид, мадраса ва илмий марказлардан шариатга мувофиқ савобни тўлиқ қилиш мақсадида фақатгина шахсий маблағлардан бунёд этилган. Иброҳим ибн Насрининг Тамғач Буғроҳон мадрасаси, Шамс Мулкнинг Намозгоҳ масжиди, салжукий Султон Санжар томонидан қурдирилган Қусамия мадрасасилари шулар жумласидандир.

Хулоса ва таклифлар

Якуний хулоса сифатида айтиш мумкинки, IX–XII асрларда Мовароуннаҳрда юзага келган Биринчи Ренессанс, бошқа омилар билан бир қаторда, Марказий Осиёнинг мустақил мусулмон сулолалари ҳукмдорлари ва мулозимлари тарафидан яратилган қулай шароитлар ҳамда адолатли бошқарувнинг самараси ҳам эди. Афсуски, мўғуллар босқини ўлкада қарийб тўрт аср узлуксиз давом этган илм-маданий юксалишни тўхтатиб қўйди. Юртимиздаги кейинги умуммиллий уйғониш орадан бир асрдан ортиқ вақт ўтгандан кейин Амир Темур ва темурийлар даврида, яъни XIV–XV асрларда содир бўлди.

Қуйидаги таклифларни бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– Биринчи Ренессанс ва ундан кейинги даврларда миллий бошқарув тизимида содир бўлган трансформацияни ўзида акс эттирган ва доимий равишда тўлдирилиб, бойитиб бориладиган электрон платформани яратиш, мазкур фаолиятга ёш тадқиқотчилар, жумладан, олий ўқув юртлари талабаларини жалб этиш;

– қўп асрлик миллий давлатчилигимиз ҳақидаги фактларни, жумладан, унинг узвий

қисми бўлган бошқарув тизими эволюцияси босқичларини ўзида акс эттирган махсус илмий-оммабоп фильм яратиш, уни ижтимоий тармоқлар орқали маҳаллий ва халқаро миқёсда оммалаштириш чораларини кўриш.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар.

1. Yuriy Bregel. An historical atlas of Central Asia. – Boston: Brill, Leiden, 2003. – 109 p.
2. Абу Али ибн Сино таржимаи ҳоли. Арабчадан таржима, изоҳлар ва муқаддима муаллифи А.Ирисов. – Тошкент: Фан, 1980. – 44 б.
3. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Камалак, 1991. – 335 б.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) // Масъул муҳаррир: Б.Аҳмедов/. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 368 б.
5. Асророва Л. Бухоро мадрасалари тарихи. – Тошкент: Nilol-nashr, 2016. – 104 б.
6. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 430 б.
7. Босворт К.Э. Мусулмон сулолалари. – Тошкент: Фан, 2007. – 269 б.
8. Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231), – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1998. – 256 б.
9. Буюк аждодларимиз/нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррирлар: М.Аминов, Ф.Ҳасанов. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – 205 б.
10. Буюк сиймолар, алломалар: (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). К.1. – /Нашрга тайёрловчи М.М.Хайруллаев/. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 104 б.
11. Қафес ўғли, Иброҳим. Хоразмшоҳлар давлати тарихи. Таржимон Назарбек Раҳим. – Тошкент: Наврўз, 2016 й. – 316 б.
12. Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк)./ Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳид, Афтондил Эркинов. Масъул муҳаррир Шариф Холмурод. Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 239. б.
13. Раҳмонкулова З. Хронология. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 144 б.
14. Содиқов Қ. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 349 б.
15. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 462 б.